



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil "16" yanvar

Қ-31 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви  
"Қуштепа" маҳалласи худудидан "IFTIXOR  
MELIORATSIYA" МЧЖга "Ғишт ишлаб  
чиқариш заводи" қурилиши учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 21 декабрдаги 03-02/819-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 16 ноябрдаги 01-05/180-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви "Қуштепа" маҳалласи худудидан "IFTIXOR MELIORATSIYA" МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 185қ-дала контуридан "Ғишт ишлаб чиқариш заводи" қурилиши учун ажратилаётган 3,0 гектар яйлов ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "IFTIXOR MELIORATSIYA" МЧЖ "Ғишт ишлаб чиқариш заводи" қурилиши мақсадида ажратилаётган 3,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 37 800 540 (ўттиз етти миллион саккиз юз минг беш юз қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр

палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**